

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 27 февраль • № 8 (1029)

Болалар спорти

КЕЛАЖАК АВЛОД ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК



Ҳар йили Президентимиз Ислон Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг фаолият якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтади. Анъанага мувофиқ, жорий йилнинг 24 февраль кунини ҳам Оксаройда жам-

гарманинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда давлатимиз раҳбари жамғарманинг 2014 йилда амалга оширган ишлари, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритди.

Таъкидлаш лозимки, республикамизда тарихан қисқа давр ичида ушбу соҳада улкан ишлар олиб борилди. Мамлакат ва жамият тараққиётида салмоқли аҳамият касб этган бир қатор умуммиллий дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Жисмонан ва маънан баркамол, мустақил фикр ва юксак интеллектуал салоҳият, чуқур билим ҳамда замонавий дунёқарашга эга ёш авлодни вояга етказишга доир комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Зеро, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш халқимиз, аввало, ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини инобатга олиб қарайдиган бўлсак, бу борада спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш учун барча зарур шароитлар яратиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Юртимизнинг нафақат катта-катта шаҳарлари, балки узоқ қишлоқларида ҳам қад кўтарётган махсус спорт мактаблари ва комплекслари, ўйингоҳлари

учун давлат бюджетидан маблағ сарфланаётганини кўриб кўзимиз қувонса, фарзандларимиз эришаётган ютуқлар, халқаро спорт мусобақалари ва олимпиадаларида ўғил-қизларимиз эгаллаётган нуфузли ўринлар, қўлга киритилаётган медаллар кўксимизни ғурур ва ифтихор ҳисси билан тўлдирмоқда.

2014 йил мобайнида фақат Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 18 та намунавий спорт объекти ва 73 та мактаб спорт зали барпо этилди, 24 та объектида қарийб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганини қайд этиш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 миллионга яқин болалар, шу жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз болалар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган ғалабалар тобора кўпайиб бормоқда. 2014 йилда спортчиларимиз 849 та медални қўлга киритди, уларнинг

(Давоми 2-бетда).

Инвестиция дастури амалда

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА МОС

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида диққатга молик ишлар амалга оширилиб, қувонарли натижаларга эришилди. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида она ва бола саломатлигига қаратилаётган эътибор ўз маҳсулини бериб, соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келиши, оналар ва болалар ўлими кескин камайганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Шунингдек, бугунги кунда юртимизда вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг иш олиб бораётганлиги фарзандларимиз саломатлигини тиклашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Сирдарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказидаги янгиланиш жараёни ҳам бундан мустасно эмас. **Мазкур тиббиёт марказининг бош шифокори Акбар Мирзахонов шифо масканида амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб ўтди:**

– Истиклолимиз шарофати билан республика миқёсида кўплаб тиббиёт муассасалари янгидан бунёд этилди, айримлари мукамал таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шу билан бирга, иш самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида мутахассислар малакасини ошириш ҳамда узлуксиз таълим жараёнлари мунтазам давом этаётганлиги тизим янада ривожланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлашим жоизки, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиб бормоқда. Айниқса, фарзандларимиз соғлиги, жисмонан бақувват бўлиб вояга етиши учун давлатимиз томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда болаларимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётган перинатал, она ва бола скрининг марказлари ҳамда унинг вилоят филиаллари,

(Давоми 8-бетда).



Болалар спорти

КЕЛАЖАК АВЛОД ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК

266 таси олтин медалдир. Биргина, ўтган йилнинг кузида Жанубий Кореяда бўлиб ўтган 45 давлатдан 13 минг спортчи қатнашган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 61 та, жумладан, 12 та олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон терма жамоаси энг кучли ўнта мамлакат қаторидан жой олганини фахр билан тилга олиш мумкин.

билан фаол шугулланишга алоҳида имконият яратди. Шу боис, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби йўналишлардаги ислохотлар бир-бирини тўлдириб, аҳоли саломатлиги ва ҳаёт сифатини юксалтиришга хизмат қилаётгани – бу борада болалар саломатли-

бола ўзига ишонади, санъатга ошно одамнинг дунёқараши кенг бўлади. Бундай ёшлар жамиятни бойитади, ҳеч қачон адашмайди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. “Соғлом она – соғлом бола” лойиҳаси доирасида аёллар ва болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, спортга кенг жалб этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори моҳияти билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қил-

байроғини баланд кўтармоқда.

2014 йилда болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари доирасида 115 та болалар спорти объекти, 48 та болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилди. Бунга мисол қилиб, жорий йил юртимиз ўқувчиларидан 10

Бинобарин, муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда: «Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайдими, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди».



Спорт таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланди. Айниқса, ёшларимиз орасида сузиш, байдарка ва канозда эшак эшиш, дзюдо, бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси, футбол, стол теннис, кураш, миллий ва юнон-рум кураши, бокс, энгил атлетика сингари спорт турларига қизиқиш ортиб, доимий машғулот турларига айланиб бормоқда.

Натижада, сурункали касалликларга чалинган болалар сони кескин камайиб, ўғил ва қиз болаларнинг ўртача бўйи ва вазни ошмоқда. Айниқса, ҳарбий хизматга қақирилган ёшлар орасида хизматга лойиқ деб топилганлар сезиларли даражада ортгани қувонарлидир. Бундай хайрли ишлар самарасида сўнгги ўн йилда ривожланишида тузма нуқсон бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайди. 2011 йилда “Болаларни асрайлик” халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани ҳам бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларимизнинг ёрқин ифодасидир.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелдаги “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори аҳолиимизнинг ақсарият қисми истиқомат қилаётган қишлоқларда қизларни спорт

(Давоми. Боши 1-бетда).

гини асраш муҳим босқичлардан бири эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, соғлом бола соғлом инсон бўлиб вояга етади. Руҳи тетик, тани бақувват, кураш, фикри тиниқ бўлади. Ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошира олади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мамлакатимизда спорт ҳаракатини янада кенгайтириш, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жамғарма ташкил топгандан буён мамлакатимизда 1700 дан зиёд спорт объектлари барпо этилди. Улар замонавий спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланди. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Улар 30 мингдан ортиқ янги мусиқа асбоблари, 61 минг нусха ўқув қўлланмалари, миллий ва жаҳон мусиқаси ноталари билан таъминланди.

Йиғилишда Юртбошимиз мусиқа ва санъат мактаблари куриш ишларини изчил давом эттириш, бунинг учун яхлит янги концепция ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлаб, бундай мактабларда миллий мусиқий меросимиз билан бирга, жаҳон мумтоз композиторлари ижодини ҳам ўрганиш кераклигини қайд этди. Дарҳақиқат, спорт танини чиниқтириб, иродани мустаҳкамласа, мусиқа дидни тарбиялайди, маданиятни оширади. Спорт билан шугулланган



моқда. Мажлисида спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини куриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари атрофлича таҳлил этилди. Спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, болалар, айниқса, қизларни спортга янада кенгрок жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда миллионлаб болалар ва ўсмирлар иштирокида анъанавий ўтказиб келинаётган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, маҳоратли спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу мусобақалар туфайли мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларида таълим олаётган миллионлаб ёшлар футбол, теннис, сузиш, шахмат, кураш, бокс, гимнастика, энгил атлетика ва бошқа кўплаб спорт турларида ўз маҳоратини намоён қилмоқда. Мамлакатимиз терма жамоаларининг ақсарият вакиллари ушбу ўйинларда тайёргарлик мактабини ўташ натижасида йирик халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз



нафари хорижий мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро мусиқа ва санъат фестивалларида “Гран-при” совринини, 60 нафари эса биринчи ўринни қўлга киритгани бунинг яққол тасдиғидир. Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланган туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Болалар спорти объектлари асосан, мамлақати-

мизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтайдиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ бу борадаги ишлар замонавий асосда олиб борилмоқда. Шу боис, мамлакатимиз спортчилари 2016 йилги ёзги Олимпия ўйинларига пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Йиғилишда 2015 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Спорт объектларини куриш ва реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Албатта, юртимизда яратилган бундай шароит ва имкониятлар ёшларнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб етишишларида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда унинг обрўсини жаҳонда кўтаришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Намоз ТОЛИПОВ.

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

ЧЕКСИЗ ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ КЕКСАЛАРНИ МАМНУН ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 2 февралдаги 45-сонли буйруғи асосида Хоразм вилоятида 2015 йил 16-21 февраль кунлари “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрикда барча туманлар аҳолиси қамраб олинди.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ижтимоий акциянинг нуфузи йилда-йилга ошиб бормоқда. Кексаларни эътибордан

фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичда да-

қилиш ва тўшақда ётиб қолган уруш ва меҳнат фахрийларини уйда тиббий кўриқдан ўтказилишини ташкил этиш мақсадида тез тиббий ёрдам машиналари ажратилди.

Пойтахтдан ташриф буюрган ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олим ва юқори малакали ши-

лигига эътибори ошганлигига гувоҳ бўляпмиз. Бу маҳаллий шифокорлар томонидан аҳоли тиббий маданиятини ошириш борасида олиб бораётган чора-тадбирлари самарасидир. Мунтазам равишда ташкил қилинаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар кўплаб касалликларни бирламчи босқичда аниқлаш ва даволаш имконини бермоқда. Бу эса аҳолининг саломатлик кўр-

3911 нафар, стационар шароитда даволаниш учун 410 нафар фуқарога тавсия берилди, санаторий-курортда даволанишга эса 132 нафар фуқарога йўлланма берилди ва даволаш ишлари бошлаб юборилди.

– Мени асаб касаллиги бевозта қилиб келади, – дейди Урганч шаҳридаги 17-сон маҳаллада яшовчи Машариф ота



йили муносабати билан 16-21 февраль кунлари ўтказилган навбатдаги акцияда кўпроқ ёши улуг инсонлар саломатлигига эътибор қаратилди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан кўпни кўрган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳаётнинг турли синовларини бошдан кечирган отахону онахонларнинг саодатманд кексалик гаштини суришлари учун уларга муносиб турмуш шароитлари яратилаётганига гувоҳимиз. Шу мақсадда тиббий ва ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари кучайтирилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат

вом эттиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ушбу фармон ижросини таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ташкил қилинган акцияда барча уруш ва меҳнат фронти фахрийлари малакали мутахассислар иштирокида тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. Мазкур акция вилоятимизда ҳам уюшқоқлик билан ташкил қилинди. Тиббий кўриқни ўтказиш учун алоҳида хоналар ажратилиб, тегишли тиббий асбоб-ускуналар, жумладан, электрокардиограф ҳамда ультратовуш ускуналари билан жиҳозланди. Тиббий кўриқларга тор соҳа мутахассисларини жалб

фокорлари билан биргаликда вилоятимиз шифокорлари аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди.

– Истиқлол йилларида мамлакатимизда тиббиёт мислсиз даражада ривожланди, эндиликда бу бутун дунёда эътироф этилмоқда. Бу ривожланишлар аҳолининг узоқ умр кўриш кўрсаткичлари ошишига сабаб бўлганлиги катта муваффақиятдир, – дейди гуруҳ раҳбари, Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Фарҳод Оқилов. – Ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу тадбирда гуруҳимиз билан Хоразм вилояти аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқдамиз. Айниқса, аҳолининг ўз саломат-

саткичлари яхшиланишига имкон яратади.

Тиббий кўриқ билан барча туманлар аҳолиси қамраб олинди. Умуман, вилоят бўйича 4453 нафар фуқаро чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказилди. Улар орасида 156 нафар уруш қатнашчиси ва ногиронлари, 2302 нафар меҳнат фахрийси ва бошқалар 1995 нафарни ташкил қилади. Тиббий кўриқдан ўтказилган юртдошларимизнинг барчасига шифокорлар соғлом турмуш тарзи тамойиллари, узоқ умр кўриш, кекса кишилар таомнамаси ва бошқа мавзулар юзасидан ўз тавсияларини бердилар. Умуман, вилоят бўйича даволаниш учун берилган тавсиялар 4453 та бўлиб, шундан амбулатор шароитда даволаниш учун

Юсупов. – 3-сон оилавий поликлиникада бўлиб ўтган тиббий кўриқда пойтахтимиздан келган етук мутахассис Садоқат Насриддиновдан қимматли маслаҳатлар олдим. Эътибор ва ғамхўрлиги учун шифокорларга минг раҳмат. Шубҳасиз, бундай кўриқлар муҳтарам Президентимизнинг биз ёши улуг инсонларга қаратаётган ҳурмат ва эҳтироми маҳсулидир. Биз кексалар, фаровон турмушимиз асосини яратиб берган Юртбошимиздан чексиз миннатдоримиз.

Қўшназар НАЗАРОВ,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Хоразм вилояти филиали директори.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ:

ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

2015 йилнинг 25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмиталари билан биргаликда “Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари, масъул ходимлар, олим ва экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спекерининг ўринбосари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси Борий Алихонов кириш сўзи билан очиб, инсон соғлиги ва унинг ҳуқуқларини химоя қилишда қонун устуворли-

ги асосий ўринга эга эканлиги, бу борада соғлиқни сақлаш тизими бўйича ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида соҳага оид 14 та қонуннинг тартибга солинганлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси Ёқуб Умаров 1992 йилнинг 3 июлида “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда биринчи навбатда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошишига, турмуш фаровонлиги яхшиланишига, юқумли ва вирусли касалликларнинг олди олинishiга, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда санитария-эпидемиологик хизматининг вертикал тузилмаси сақланишига эришилганлигига эътиборни қаратиб, айниқса, эмлаш ишларининг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида қизамик, кўкйўтал, қоқшол, дифтерия, полиомиелит, паротит каби юқумли касалликларнинг олди олинганлигини айтиб ўтди.

Тадбирда асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 2014 йил



24 июлда биринчи ўқишда қабул қилинган “Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси Нурия Айтжанова маъруза қилиб, қонунда кўзда тутилган муҳим жиҳатларга атрафлича

тўхталди. Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассиси Баҳодир Ахунжанов “Аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлашда қонунчиликни такомиллаштириш зарурати” хусусида ўз фикрларини баён этди. Шунингдек, давра суҳбати давомида иштирокчилар қонун лойиҳаси бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида кўмиталарнинг “Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган тегишли қўшма қарори қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

«Круглый» стол

ВИРУС, «ИГРАЮЩИЙ» ЧЕЛОВЕКОМ


Жизнь – дорога, а мы лишь – странники. Поиски смысла бытия и счастья помогают нам преодолевать трудности пути. Человек, к сожалению, часто осознает ценность каждого проживаемого на земле мгновения, только оказавшись у страшной черты. Черты, навсегда разделяющей его существование на "до" и "после" постановки диагноза. В момент, когда узнаешь о том, что у тебя ВИЧ, меняется весь мир – внутри тебя и окружающий. Каковы пути снижения риска заражения вирусом иммунодефицита человека, оказания всесторонней моральной, психологической, а главное, высококвалифицированной медицинской помощи людям, живущим с ВИЧ? Обсуждению и решению этих и многих других вопросов, касающихся ВИЧ/СПИДа, был посвящен семинар для журналистов в Ташкенте.



Целью семинара, организованного Комитетом женщин Узбекистана совместно с Проектом ПРООН и проводимого специалистами Республиканского центра по борьбе со СПИДом стало привлечение партнеров для обеспечения универсального доступа к профилактике и лечению ВИЧ-инфекции, повышение потенциала участников для дальнейшего активного участия в мероприятиях, направленных на формирование толерантного отношения к ЛЖВ (люди, живущие с ВИЧ) в обществе, а также консультациях по стратегическому планированию в области ВИЧ/СПИДа. Как

и государственными организациями в целях повышения информированности населения о данном заболевании, формирования толерантного отношения в обществе к ЛЖВ", – отметила Гульнара Махмудовна.

... Как возник вирус иммунодефицита человека и чем он опасен? Об этом и о многом другом участни-



ческое указание для врачей общей практики, утвержденное Минздравом Узбекистана, куда включен целый перечень состоящий организм, при которых человека следует обследовать на ВИЧ. Врач должен быть хорошо информирован о них, чтобы не допустить роковой ошибки. К таким состояниям относятся, к примеру, определенные заболевания кожи, заболевания, связанные с легкими, в том числе туберкулез, стоматиты, увеличение лимфоузлов, что можно определить при пальпации.

Как отметил в ходе семинара, Хабибулло Ашуров, существует два типа вируса иммунодефицита человека – ВИЧ-1 и ВИЧ-2. ВИЧ-1 является патогенным и агрессивным, характеризуется более быстрым переходом в стадию СПИД. Именно он чаще всего встречается в Узбекистане. Однако, при своевременной постановке диагноза, специализированном лечении этот процесс перехода от стадии ВИЧ к СПИДу можно отодвинуть на неопределенный срок и даже вылечить симптомы СПИДа, если таковые уже развились. Все пациенты, которым назначено лечение, получают препараты бесплатно по месту жительства, либо в центрах по борьбе со СПИДом, где они должны наблюдаться. При этом, должна сохраняться их анонимность.

АРВТ (антиретровирусная терапия) назначается в том случае, когда создается угроза развития СПИДа. Первыми признаками перехода ВИЧ на СПИД, длящимися от нескольких недель до нескольких месяцев, являются следующие беспричинные симптомы: повышение температуры, ка-

шель, диарея, потеря веса, увеличение лимфатических узлов, обнаруживающееся только при пальпации. Подходящая терапия направлена на прекращение размножения ВИЧ-клеток, ее цель – максимальная и стойкая репликация вируса. В настоящее время существует несколько типов препаратов и три схемы лечения, которые меняются при неэффективности одной из них.

АРВТ начинает применяться, когда уровень CD-4 клеток составляет 350 единиц на 1 микролитр. Однако, по рекомендации ВОЗ терапия должна начинаться уже при уровне в 500 клеток на 1 микролитр. В Узбекистане сегодня ведутся переговоры о том, чтобы ввести этот критерий. Кроме того, к 2017 году правительством республики поставлена цель закупать препараты для АРВТ на 50 процентов за счет бюджета государства.

Защите прав ЛЖВ (социальный, юридический аспект), предотвращению стигмы и дискриминации в обществе по отношению к таким людям была посвящена живая дискуссия, которую вела с журналистами врач отдела профилактики и противоэпидемических работ Республиканского центра по борьбе со СПИДом **Зульфия Абдурахимова**. Был затронут ряд тем, касающихся права на вступление ВИЧ-инфицированных в брак, рождение ребенка ВИЧ-инфицированными родителями, оказание всего спектра медуслуг таким людям и многие другие вопросы. Их решение, а также дальнейшая профилактика ВИЧ/СПИДа в республике, предотвращение распространению вируса заложены в законодательстве Узбекистана, Страновой Стратегической программе противодействия распространению эпидемии ВИЧ - инфекции в Республике Узбекистан на 2013-2017 гг.

Оксана КАДЫШЕВА.

Рекомендуемые лабораторные исследования для диспансерного наблюдения ВИЧ-инфицированных:

- Общий анализ крови;
- Гемоглобин;
- Общее число лейкоцитов и лейкоцитарная формула;
- Анализ мочи;
- Показатели функции печени (АЛТ, АСТ, билирубин);
- Креатинин;
- Число лимфоцитов CD4;
- Вирусная нагрузка;
- Другие исследования в зависимости от жалоб или других симптомов.

рассказала в интервью нашему изданию, 1-й зампредела Комитета женщин Узбекистана **Гульнара Маъруфова**, встреча с представителями СМИ, была организована в рамках реализации Стратегической программы противодействия распространению эпидемии ВИЧ - инфекции в Республике Узбекистан на 2013-2017 гг., также в рамках соисполнения Комитетом женщин страновой программы Проекта ПРООН, финансируемого Глобальным фондом по борьбе со СПИДом, туберкулезом и малярией.

"На наш Комитет возложена задача по пропаганде здорового образа жизни среди населения. Также осуществляем сотрудничество с махаллинскими комитетами, правоохранительными органами, представителями СМИ, общественными


кам семинара повествует сотрудник Республиканского центра по борьбе со СПИДом, врач-эпидемиолог **Хабибулло Ашуров**. По его словам, в настоящее время в научном мире существует три гипотезы возникновения ВИЧ. Ни одна из них пока не подтверждена. **Профилактика ВИЧ сегодня играет огромную роль, так как вакцины против ВИЧ-инфекции не существует.** Вирус поражает определенные клетки иммунной системы человека (CD4-клетки), в результате чего она ослабевает. На протяжении многих лет иммунная система способна противостоять ВИЧ, но со временем компенсаторные функции организма ослабевают, и он оказывается уже не в состоянии противостоять различным вирусам и инфекциям. ВИЧ-инфекция – это пожизненное, смертельное за-

тител к ВИЧ), так и ложноположительный ответ. Последний, может выйти и при нормальном состоянии организма, и при наличии какого-либо патологического процесса – рецидива вируса герпеса, во время беременности, наличии TORЧ-инфекций. Анализ на ВИЧ согласно законодательству республики является обязательным для лиц, вступающих в брак, а также беременных женщин, что дает свои положительные результаты. Так, в этом году вертикальный путь передачи ВИЧ (от матери к ребенку) составил 2 процента. Этот показатель, как отметил в ходе семинара Хабибулло Ашуров, соответствует показателям ВОЗ, касающихся вертикального пути заражения ВИЧ при соблюдении всех мер, предотвращающих передачу вируса.

Также в ходе семинара говорилось о том, что СПИД (синдром приобретенного иммунодефицита человека) является клиническим проявлением ВИЧ-инфекции, поражает иммунную систему человека и поэтому сопровождается поражением любого органа. Скрытый период СПИДа достигает трех лет. Чаще всего в странах СНГ СПИД сопровождается туберкулезом. Другими частыми проявлениями СПИДа является пневмония, грибковые поражения, саркома Капоши, слабоумие. Вот почему сегодня в республике существует методи-

МИННАТДОРЛИК — ИНСОНИЙ ТҲУҒУ

бу Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига
жўнатилаётган мактубларнинг бош мавзусидир



Мушкул вазиятда кимдандир ёрдам кўрган киши қандай қилиб бўлмасин, ўз миннатдорлигини билдиргиси келади. Айниқса, ҳаёт ва ўлим орасидаги масофани йўқотишга қодир бўлган касб эгалари — шифокорлар шаънига миннатдорлик туйғулари тез-тез айтилади. Бемор учун соғлом кишига нисбатан жон ширинроқдир. Касаллик билан олишаётган кишининг жонига аввало, яқинлари оро кирса, унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини қалқон қиладиган шифокорлардир. Дарҳақиқат, соғайган беморнинг қўли кўксидан, ўз халоскори бўлган шифокор ва ҳамширага чексиз мамнунлик изҳор этади.

Қуйидаги мактублар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилган қалб изҳорлари бўлиб, миннатдорлик руҳи билан сугорилган. Уларнинг мазмун-мундарижаси билан танишар экансиз, беихтиёр касбига содиқ, бемор тақдирини ва манфаатини ҳар қандай вазиятда биринчи ўринга қўядиган шифокорлар олдида таъзим қилгингиз келади.

Муҳаббат ИЗЗАТУЛЛАЕВА,
Наманган вилояти:
— “Соғлом бола йили” Давлат дастури бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан қўлаб югурган болалар соғломлаштирилди, ҳомийлик маблағлари эвазига қанчадан-қанча болаларда операциялар амалга оширилди. 2007 йилда юрак етишмовчилиги билан туғилган набирам Муҳаммадали Муҳаммедовни академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказига олиб келдик. Туғма юрак нуқсонлари бўлими бошлиғи, тажрибали шифокор Ҳасимжон Абралов бошчилигида набирамда амалиёт муваффақиятли бажарилди. Айна пайтда неварам соғайиб, оиламиз бағрига қайтганидан хурсандимиз. Қўли энгил, малакали кардиолог-врач Ҳасимжон ва унинг ҳамкасбларига эзгу тилакларимизни билдириб, бахтимизга омон бўлишларини истаб қоламиз.

Ш. САЛОМУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳри:
— Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказида даволанар эканман, у ерда яратилган шариит ҳамда жамоадаги соғлом муҳитдан хурсанд бўлдим. Ўз касбининг устаси, ғайрат ва шижоатли, камтарин инсон, марказ директори Улуғбек Собиров ва бош шифокор Алишер Абидовларнинг шифо масканида олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқдир. Юртимизда ана шундай касбига содиқ шифокорларнинг борлиги — бизнинг бахтимиз.

Худойберган ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм вилояти,
Шовот тумани:
— Соғлигим ёмонлашиб, Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида даволанишимга тўғри келди. Асаб касалликлари бўлимидаги даволочи-шифокорим Лариса Югай ўзининг беминнат хизматлари билан касалликдан тезда фориг бўлишимда ўз ёрдамларини аямади. Ушбу марказда беморлар учун энг зарурий шарт-шароитлар яратилган. Замонавий технологияларни моҳирона ишлатаётган мутахассислар беморга касалликнинг келиб чиқиши, клиник белгилари ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида тушунча берадилар. Саломатлигимни тиклаб, оилам бағрига соғ-омон қайтишимда ёрдамларини аямаган марказдаги тиббиёт ходимларига ўз ташаккуримни билдираман.

Шоҳида ЖАЛОЛОВА,
Фарғона вилояти,
Қирғули тумани:
— Тақдир экан, 2012 йилнинг 15 октябрида иккинчи фарзандим Шахзодаҳон туғма нуқсон, яъни орқа мия чурраси билан дунёга келди. Жарроҳлар бунга ёғ тўқима, яъни липома деб таҳис қўйишди. Уларнинг айтишича, бу бола ўсган сари сўрилиб кетадиган касаллик тури экан. Лекин ёғ тўқимаси сўрилиш ўрнига худди катталашиб бораётгандек эди. Ультратовуш аппарати орқали текшириб кўрилганда, орқа мия чурраси эканлиги аниқланди. Вилоятимиздаги неврохирург Иброҳим Саматовичга

олиб борганимизда, орқа мия чурраси фақат операция йўли билан тузатилиши мумкинлигини айтди. Кизалогим операция қилинди. Лекин натижа биз кутганчалик бўлмади. Афсуски, шифокорлар унинг қовуғида сийдик 300-400 мг.гача туриб қолаётганини айтишди.

2013 йилнинг 24 июлида вилоятдаги шифокорлар тавсияси билан Тошкент шаҳар 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонаси шифокори Муҳсинбек Алимов қабулида бўлдим. Ёш бўлса-да, ўз касбининг моҳир билимдони Муҳсинбек Алимов цистоскоп деган махсус аппаратда кизимдаги қовуқ-сийдик найи рефлексига деган дардни даволади. Буйрақларни сақлаб қолишнинг биринчи йўли шу экан. Мана, бугунги кунда кизим дарддан халос бўлди. Бу албатта, Муҳсинжондек қалби пок шифокорларнинг ўз касбига бўлган садоқати ва инсонийлигининг ифодасидир. Ҳа, шифокорлар орасида шундай бағрикенг, саховатли инсонлар бор экан, мен бундай кишиларга бир умр таъзим қиламан.

Нордавлат ТУРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Чироқчи тумани:
— Тошкент тиббиёт академияси қошидаги 3-клиника аҳил жамоаси ҳақида илиқ фикрлар эшитиб юрардим. Яқинда ана шу клиниканинг умумий терапия бўлимида даволаниб, бунга тўлиқ амин бўлдим. Соғлигим кундан-кунга яхшилана бошлади, ўзимни соғлом ҳис қилардим. Бўлим мудири Зафар Абдашимов, шифокор Турсуной Салимова ва ўрта тиббиёт ходимларининг деонтология талабларига мувофиқ беморлар билан ширин му-

лоқоти, ички тартиб-қоидалар тўғри юритилиши ва талаб қилиниши беморлар тез ҳамда қисқа муддат ичида оила аъзолари бағрига қайтишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ушбу жамоага ўз миннатдорлигини афғон уруши қатнашчиси, иккинчи гуруҳ ногирони Зокир Абраев ҳам билдирган. Унинг мактубидаги самимий сўзлар 3-клиника шифокорларининг ҳақиқатан ҳам сидқидилдан меҳнат қилаётганига бир ишорадир.

Хусан САИДОВ,
Навоий вилояти,
Кизилтепа тумани:
— 2014 йилнинг сентябрь, октябр ойларида Тошкент шаҳрининг Сергели мавзесида жойлашган Республика руҳий касалликлар клиник шифохонасида даволандим. Гулжон Бешкемпирова раҳбарлик қилаётган 3-бўлим тиббиёт ходимларининг беморларга намунали тиббий хизмат кўрсатаётганига гувоҳ бўлдим. Бўлим бош шифокори ҳар куни палаталарни айланиб, беморлар ҳолидан доимий хабар олади. Белгиланган даволаниш курсини тўлиқ ўтадим. Пенсияга чиққан ёши улуг бир инсон сифатида мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлайман. Президентимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз мамнунлигимни билдираман.

Владимир Яшкін, Тошкент шаҳри, Миробод туманида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1-гуруҳ ногирони:

— Яқинда кутлуғ 90 ёшимни нишонладим. Ўзбекистонда кексалар кадрланади, мени барча яқин инсонларим табриклашди. Мамлакатимизда инсон саломатлигини асраб-авайлаш бўйича амалга оширилаётган барча ишларни кўриб, бунга гувоҳ бўлмоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги 2-марказий поликлиника шифокорлари аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шифокорлар поликлиникага келиш имкони бўлмаган кексалар ҳолидан ха-

бар олиб, уларнинг соғлигини ҳам назорат қилиб туришади. Умида Шайхова, Мунаввар Мирсолиева, Эмма Бабурина, Оксана Мамедова, Нодира Шодиева каби тажрибали, очиққўн-гил, қўли энгил шифокорлар хизматидан, муомала маданиятидан биз кексалар хурсандимиз. Кўп йиллардан бери ана шу поликлиниканинг доимий аъзосиман. Қачон, қандай вазиятда мурожаат қилмайлик, шифокор ва тиббиёт ходимлари ўз хизмат постларида содиқ туриб, беморлар кўнглига йўл топадилар.

О. ОХУНОВ,
Фарғона вилояти,
Олтиариқ тумани:
— Иссиқ жоннинг иситмаси бўлар экан. Олтиариқ туман кўп тармоқли марказий тиббиёт бирлашмаси терапия бўлимида даволандим. Бўлим мудири Икромжон Ҳасанов ва жамоадагиларнинг барча беморлар билан илиқ ва самимий муносабатини кўриб, дардимиз энгиллашгандек бўлди. Кўрсатилган сифатли тиббий хизматдан соғайиб, оиламга қайтдим. Айниқса, уларда шифокорлик деонтологияси, бемор билан мулоқотда бўлишнинг энг нозик жиҳатларини кўриб, кўнглим кўтарилди.
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов номига ҳамда вазирликка жўнатилаётган хатларнинг қайси бирини ўқиб чикмайлик, мактуб эгалари миннатдорлик инсоний туйғу эканлигини тўғри англаб, буни изҳор этиш уларга аъло кайфият бағишлайётганига амин бўласиз. Мактуб йўллаганлар орасида Наманган вилояти, Уйчи туманидан Тошмуҳаммад Урозалиев, Наманган шаҳрининг «Чаманзор» маҳалласидан Камолддин Қирғизбоев, Тошкент шаҳридан Фароғат Ражабова, Анвархўжа Турсунбеков, Султоновлар ҳам ўзлари шифо топган тиббиёт масканларининг шифокору ҳамширалари меҳнатидан хурсанд бўлиб, дил сўзларини изҳор этганлар.

Мактубларни Хулкар КУЗМЕТОВА шарҳлади.

Гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги

МАСЪУЛИЯТ ВА ЖИДДИЙ ЁНДОШУВ ЗАРУР



Тошкент Давлат стоматология институтининг гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги доирасида “Гиёҳвандлик аср вабоси” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиқлари, Тошкент шаҳар наркологи диспансери, Республика наркотик моддалар миллий маркази

ходимлари ҳамда институтнинг профессор-ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди.

Тадбирни Тошкент Давлат стоматология институтининг маънавият ва маърифат ишла-

ри бўйича проректори Алишер Юнусов кириш сўзи билан очиб, тадбирдан кўзланган асосий мақсадлар хусусида тўхталиб, ёшларни ҳар қандай оммавий таҳдидлардан огоҳликка чақириш, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, зарарли одатлардан ҳимоя қилиш кенг жамоатчилик зиммасида турган муҳим вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси, Тошкент шаҳар наркология диспансери ҳамда Республика наркотик моддалар миллий маркази мутахассислари ўз йўналишлари бўйича ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун, уларнинг қалби ва онгидан соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини ёшлиқдан сингдириш масалаларига жиддий ёндошиш зарурлигини айтиб ўтдилар. Бундан ташқари, бугунги кунда



инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туяладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашуви шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган, яъни катта зиён етказадиган ҳолатлардан ёшлари-

мизни огоҳ этиш муҳимлигини ҳам ўз фикрларида баён этдилар.

Тадбир давомида иштирокчиларга мавзу доирасидаги видеоролик намойиш қилинди.

Намоз ТОЛИПОВ.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Мутахассис маслаҳати

БРОНХИАЛ АСТМАГА ДАВО БОРМИ?

Тиббиёт соҳаси тараққий этиб бораётган бугунги кунда айримларни бронхиал астма изтиробга солиб келадики, бу биз шифокорларни ташвишлантirmай иложи йўқ. Касаллик нафақат бемор ҳаётига хавф солади, балки унинг яқинларини ҳам таҳликага қўйишни ўз касбий фаолиятимиздан яхши биламиз.

Бронхиал астма бутун дунёда соғлиқни сақлаш доирасидаги жиддий муаммолардан бирига айланган. Астма касаллиги тарқалишини чеклаш, касалланиш ва у туфайли вафот этиш ҳолатларини камайтириш учун барча соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилувчи мутахассис ходимларга ёрдам сифатида астма бўйича глобал ташаббус (GINA – 2008) қабул қилинган. Бу ташаббус миқёсида астма касаллиги профилактикаси ва уни даволаш борасида илмий маърузалар ўқилади, амалиётга татбиқ қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилади, мўлжалланаётган маъмурий янги ҳужжатлар тасдиқланади ва тарқатилади. Касаллик бўйича халқаро илмий изланишлар қўллаб-қувватланмоқда. Астма касаллиги профилактикаси ва уни даволаш чоралари бўйича глобал стратегия юрак, ўпка ва қон миллий институти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамкорлигида яратилган бўлишига қарамай, у болалар орасида бутун дунё бўйлаб кенг тарқалмоқда. Бунга астма ташхисида хатолликка йўл қўйиш ва етарли даражада даволамаслик ҳам сабаб бўлаяпти.

Астма нафас олиш йўллари-нинг сурункали яллиғланиш касаллиги ҳисобланади. Сурункали равишда яллиғланиб турувчи нафас йўллари ўта сезувчан бўлиб, турли стимул ва триггерларга жавобан, улар обструкцияси ва ўпка функцияси бузилишида (бронхлар спазмини чақирувчи модда кўпайиши, шиллик модда кўп

микдорда ишлаб чиқарилиши туфайли) яллиғланиш рўй беради. Астманинг энг кўп тарқалган триггерлари (касаллик кечишини оғирлаштирувчи омиллар) ўз ичига вирус инфекцияларини, уй чанги (ўрин-тўшак, гилам ёки юмшоқ жиҳозлар), уй ҳайвонлари ва уларнинг жуни, суварак, гул чанги, моғор замбуруғлари каби аллергенларни, сигарета чекиш, атроф-муҳитни ифлослантириш, жисмоний толиқиш, кимёвий бирикмаларни жамлаган бўлиши мумкин.

Бронхиал астма бирдан кузатиладиган хуруж билан кечади. Аммо нафас йўллари-нинг сурункали яллиғланиши доимий равишда кузатилгани боис, астма узоқ муддат даволанишни талаб этувчи сурункали касалликдир. Бу кўпчилик беморларнинг превентив таъсирга эга препаратларни ҳар куни қабул қилишини тақозо этади. Вақт ўтиши билан астма касаллигининг оғирлик даражаси ўзгариб боради. Шунга кўра, унинг энгил, ўрта ва оғир ҳолатда кечиши мумкин бўлган турлари фарқланади. Касаллигининг оғирлиги ҳар хил индивидуумларда турлича бўлиб, вақт ўтган сари ўзгариб туради.

Хасталикни даволаш ва назорат қилишнинг энг самарали усули қайси вақт бўлишидан қатъи назар, беморни қийнайидиган симптомларнинг олдини олиш, жиддий хуруж бўлишига йўл қўймаслик, тез таъсир қилувчи дорилар истеъмолини имкон қадар камайтириш ёки тўлиқ тўхтатиш, жисмоний фаол ҳаракатда бўлиш, нафас йўллари-га салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлардан ҳимояланиш зарурлигини унутмаслик керак.

Куйидаги симптомлардан биронтаси беморларда кузатилса, астма ташхиси аниқдир

* Ҳуштакли нафас олиш – баланд ҳуштакли хириллаш, айнақса болаларда (текшириш пайтидаги нормал нафас олиш йўқлигидан дарак бермайди).

* Бемор анамнезида куйидаги белгилардан бирортаси бўлса:

- йўтал, айниқса, кечаси зўриқувчи;
- қайталаниб турувчи ҳуштакли нафас;
- қийналиб нафас олиш ҳоллари тез-тез қайталаниб турса;
- кўкрак қафасидаги оғирлик тез-тез қайталаниб турса.

Изоҳ: экзема, поллиноз ёки оилавий астматиклик ёки атопик касалликлар астма касаллигининг белгиларини эслатади.

Симптомлар кечаси пайдо бўлади ёки оғирлашиб беморнинг уйқусини бузади.

Симптомлар куйидаги ҳолларда пайдо бўлади ёки мурракбландади:

- жисмоний зўриқишда;
- вирус инфекцияларида;
- ҳайвонларнинг юнги билан алоқада;
- уй чангларининг барчаси билан алоқасида (кўрпа-тўшак, ёстиқ (болиш), гилам ва юмшоқ жиҳозларда);
- тамаки чекиш ёки чекилган хонада бўлиш;
- руҳий зўриқишда (баланд овоз билан кулиш ёки йиғлаш);
- пуркалувчи кимёвий бирикмаларни ҳидлаганда, қабул қилганда;
- дориларни (аспирин ёки β-блокаторлар) қабул қилганда;
- бронхоопструкцияларнинг қайтувчанлиги ва ўзгарувчанлиги, нафас чиқаришнинг энг юқори нафас тезлиги ЮНТ пикфлоуметр ёрдамида β₂-агонистнинг ингаляциясини қабул қилгандан сўнг 15-20 минут ўтгач кўтарилади ёки суткалик кўрсаткичи 20 фоиздан ортиқ (бронходилататор қабул қилинмаган беморларда 1 суткалик кўрсаткич 10 фоизни ташкил қилади);
- жисмоний машқлардан сўнг 6 минут ўтгач кўрсаткич 15 фоизга камаюди.

Астма мураккаб кўринишдаги касаллик бўлгани боис, дифференциал тарзда ташхисланади ва бунинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Кўпчилик гўдак ва ёш болаларда ҳуштакли нафас кузатилади, бу ёшда (болалик даврида) астма ривожланмаслиги ҳам мумкин. Лекин баъзан ҳуштакли нафасни антиастматик препарат билан даволаш наф бериши мумкин. Болаларда персистерловчи астманинг ривожланишини олдиндан аниқ айтиб бўлмайди, лекин оилада аллергик, астма ва атопик ҳолатлар мавжуд бўлса, шунингдек, ҳомилдор аёл чекувчи ёки пассив чекувчилар орасида яшаса, астма касаллиги келиб чиқиши учун шарт-шароит яратилади. Шамоллаш белгилари 10 кундан ортиқроқ давом этса, бемор антиастматик препаратни қабул қилгандан сўнг аҳоли энгиллашса, астма касаллигини тахмин қилиш мумкин. Кашандалар ва кекса ёшдагилар ўпканинг сурункали обструктив касалликлари билан тез-тез оғришади, баъзи ҳолларда астма ҳам кузатилади, бу пайтда уларга антиастматик препаратлар ижобий таъсир кўрсатади. ЮНТнинг кўрсаткичлари антиастматик препаратлардан сўнг диагностика мезон бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда иш жойларидаги кимёвий бирикма ва аллергенлар билан нафас олиш оқибатида юзага келган астмани, ўпка яллиғланиши ёки обструктив ўзгаришлар билан адаштириб нотўғри ташхис қўйишади. Бу касаллик қанчалик тезкорлик билан аниқланса, уни чақирувчи омиллар билан "аланга" тўхтатилса, даволаш жараёни осонлашади. Касаллик ташхисини тасдиқлаш мақсадида спирометрия қўлланилади. Бронходилататорлардан фойдалангандан сўнг, касаллигининг келиб чиқиш сабаблари аниқланади. Кўкрак қафасининг рентгенографияси инфекциялар, юрак етишмовчилиги ёки ёт жисмлар аспирациясини рад қилишга ёрдам беради. Касалликни даволашга янгича ёндашиш, хуружнинг кечки ва кундузги белгилари юзага чиқишининг олдини олиш беморнинг фаол жисмоний ҳолатда бўлишини таъминлайди. Кўпчилик беморлар врачга биринчи мартаба хуруж бошланган пайтда мурожаат қилишади. Касаллигини ўзида анча ривожлантириб олган беморлар эса доимий назоратга олиниб, дориларни ҳар куни қабул қилиши талаб этилади.

Икки турдаги дорилар беморни назорат қилишга ёрдам беради:

* профилактик узоқ муддат таъсир қилувчи препаратлар (асосий яллиғланишга қарши агентлар), булар астма белгилари ва хуружининг олдини олади ҳамда тез ёрдам препаратлари (қисқа муддатли таъсир қилувчи бронходилататорлар) хуружни қайтариш ёки астма белгиларини энгиллатиш учун ишлатилади;

* даволаш учун ингаляцияли (нафас йўллари орқали) дорилардан фойдаланилса, даволашда юқори самарадорликка эришилади, бунда доривор восита тўғридан-тўғри нафас йўллари-га таъсир қилгани боис, ноҳўя таъсири жуда оз бўлади; * ҳар бир бемор учун доза-

ланган аэрозолнинг энг мос шаклини танлаш зарур. 2 ёшга-ча бўлган болаларга дозаланган аэрозол спейсер ёки лозим бўлган тақрида небулайзер орқали ишлатилиши керак. Спейсер ингаляторга тўғри келиши, ҳажми бола ўпкасининг шаклига қараб ўзгариши лозим. 5 ёшдан ошган болаларда дозаланган аэрозол билан нафас олганда қийинчилик туғилса, қуруқ кунгли ингалятор ёки небулайзер қўлланилади. Ҳар бир ингалятор ўзига хос ингаляция техникасига эғалигини унутиб

бўлмайди. Персистерловчи астманинг самарали назоратига эришиш учун, узоқ муддатли даволаш ишлари олиб борилиши лозим, бунда яллиғланиш жараёни камайтириш ёки аксинча бу ҳолат такрорланиши мумкин. Яллиғланишга қарши препаратлар, айниқса ингаляция йўли билан қабул қилинадиган кортикостероидлар, астма касаллигининг узоқ муддатли профилактик даволаш ишларида энг самарали препарат, деб тан олинган.

КАТТАЛАР ВА 6 ЁШДАН ОШГАН БОЛАЛАРНИ ДАВОЛАШ

Узоқ давом этувчи профилактик даво		Тез таъсир қилувчи дорилар билан даволаш
4-ПОФОНА Оғир авж олувчи	Кундалик қабул: * Ингаляцияли кортикостероид (800-2000 мкг ёки кўпроқ) * Таъсири узайтирилган бронходилататор: Таъсири узайтирилган ингаляцияли β₂-агонист ва/ёки таъсири узайтирилган теофиллин ва/ёки таъсири узайтирилган β ₂ -агонист таблетка ёки сироп кўринишида * Таъсири узайтирилган кортикостероид таблетка ва сироп кўринишида	* Қисқа таъсир қилувчи бронходилататор; заруриятга қараб ингаляцияли β₂-агонист
3-ПОФОНА Ўрта оғирликда авж олувчи	Кунлик қабул: * Ингаляцияли кортикостероид (>500 мкг) зарурият бўлганда * Таъсири узайтирилган бронходилататор; таъсири узайтирилган ингаляцияли β₂-агонист ёки таъсири узайтирилган теофиллин ёки таъсири узайтирилган β ₂ -агонист (таблетка ёки сироп кўринишида) (таъсири узайтирилган ингаляцияли β ₂ -агонист стероидлар ўрта миқдори билан бирга берилганда самарадорлиги кучлироқ бўлади, фақатгина стероидлар миқдорини оширишга нисбатан) * Антилекотриен дори воситаларини қўллаш мумкинлигини кўриб чиқинг. Айниқса, аспиринли астмаси бор бўлган беморларда ва жисмоний зўриқиш астмаси профилактикасида	* Қисқа таъсир қилувчи бронходилататор; зарурият бўлганда ингаляцияли β₂-агонист , 3-4 мартадан ошмаслиги керак
2-ПОФОНА Энгил авж олувчи	Кунлик қабул: * Ингаляцияли кортикостероид (200-500 мкг) ёки кромоглицат ёки недокромил ёки таъсири узайтирилган теофиллин. Антилекотриен дори воситаларини тавсия қилиш мумкин, лекин астма дориларида уларнинг аҳамияти ўрганилмаган * Керак эмас	* Қисқа таъсир қилувчи бронходилататорлар; зарурият бўлганда ингаляцияли β₂-агонист , кунига 3-4 мартадан ошиқ бўлмаган ҳолда
1-ПОФОНА Интермиттирловчи		* Таъсири қисқа бронходилататор; заруриятга кўра ингаляцияли β ₂ -агонист, ҳафтасига 1 марта; * Даволаш интенсивлиги хуружнинг оғирлигига боғлиқ; * Ингаляцияли β ₂ -агонистлар ёки кромоглицат жисмоний зўриқишдан ёки аллергенлар билан контакт қилишдан олдин

ПОФОНА ПАСТГА

Ҳар 3 ва 6 ойда даволашни таҳлил қилинг. Агар астмани ҳеч бўлмаганда 3 ой давомидан назоратга олсангиз, медицинаментоз давони аста-секин камайтириб бориш мумкин.

ПОФОНА ТЕПАГА

Агар астма устидан назорат қилишнинг имконияти бўлмаса, баландроқ поғонага ўтиш тавсия қилинади. Лекин бундан аввал беморнинг ингаляция техникасини врач тавсияси бўйича қабул қилишини текшириб кўринг, триггерларнинг таъсири мавжуд эмаслигини аниқланг.

* **Эслатма:** стероидлар дозаси бекламетазон дипропионат бўйича белгиланган (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти рўйхати асосида олинган). Бошқа препаратлар самарага эга, лекин турли ингаляцияли стероидларнинг дозалари мкг.да ёки битта нафасда ўзаро эквивалент эмас.

АСТМАНИНГ ХАТАРЛИ ОМИЛЛАРИ (ТРИГГЕРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Агар бемор астма триггер (касаллик кечишини оғирлаштирувчи аллерген ёки ирритант)лари экспозициясидан эҳтиёт бўлса, астма белгилари ва касаллик хуружларининг олдини олиш мумкин, дори-дармонли давога эҳтиёж камаюди. Астманинг энг кўп учрайдиган триггерлари жадвалда келтирилган.

(Давами 7-бетда).

Мутахассис маслаҳати

БРОНХИАЛ АСТМАГА ДАВО БОРМИ?

Астманинг энг кўп учрайдиган триггерлари ва уларнинг таъсирини йўқотиш стратегиялари

Триггерлар	Улардан қандай сақланиш керак?
Уй чанги каналларининг аллергенлари (улар шунчалик кичикки, оддий кўз билан кўриб бўлмайди).	Ўрин-кўргаларни ҳафтасига бир марта иссиқ сувда ювиш, кўёшда қуритиш. Ёстиқ ва тўшакни махсус ҳаво ўтказмайдиган (аллергенларга қарши ҳимоя) жилдларга жойлаштириш. Ётоқхонадан гиламларни олиб ташлаш.
Тамаки кукуни (агар бемор ўзи чекса ёки бошқалар чекадиган хонада бўлса)	Тамаки тутуни таъсирдан эҳтиёт бўлиш. Беморлар ва уларнинг ота-оналари чекмасликлари керак.
Жунли ҳайвонлар аллергенлари	Ҳайвонларни уйга, ҳеч бўлмаганда ётоқхонага киритмаслик лозим.
Суварак аллергенлари	Хонадонни тез-тез йиғиштириш. Пестицидди спреи ишлатиш. Ишлов пайтида бемор уйда бўлмаслиги муҳим.
Чангли ва моғор замбуруғлари	Уй чанги ва замбуруғ споралари ҳавода максимал бўлганда ойна ва эшикларни ёпиш ва уй ичида қолиш.
Жисмоний фаоллик	Жисмоний фаолликдан қочмаслик. Жисмоний фаолиятдан олдин тез таъсир қилувчи ингаляцион β ₂ -агонист ёки кромогликат натрийни қабул қилиш билан астма белгиларини камайтириш мумкин.
Дорилар	Аспирин ёки бета блокатор астма белгиларини чақирса, беморга уни бермаслик.

Агар бемор уй шароитида гипоаллерген кун тартибига риоя қилаётган, яъни хона ичида тамаки тутуни ёки бошқа ал-

лергенлардан ҳимояланаётган бўлса, бу билан бошқа оила аъзоларига ҳам ёрдам беради. Чунки астманинг бошланғич даври чақалоқларда кузатилса, уни тўхтатиш мумкин.

Уй чанги ёки бошқа чангларга, чанг каналларига, ҳайвонлар қазғоғига ёки Alternaria аллергияси бўлса ва бемор улар билан контактни уза олмаса, касаллик белгиларини медикаментоз даво билан бошқариб бўлмаса, махсус иммунотерапия қўлланилади. Буни фақат махсус билимга эга бўлган мутахассис ёрдами билан ўтказиш мумкин.

Астмаси бор беморлар куйидаги чора-тадбирларга эътибор бериши керак:

- * дори препаратини тўғри қабул қилишни;
- * тез ёрдам кўрсатишга мўлжалланган ва узоқ вақтга берилган профилактик дорилар орасидаги фарқни ажратишни;
- * астма триггерлари таъсирини йўқотиш;
- * касаллик белгилари ва пикфлоуметрия маълумотларига асосан, ўз ҳолати мониторингини амалга ошириш шулар жумласидан.

Уй чанги кўпроқ матрацлар, жун аёллар ва ёстиқларда тўпланади. Айнан шулар кўпчилик астма учраган беморларда бўғилиш хуружини келтириб чиқаради. Матрац ва ёстиқлар махсус чанг ўтказмайдиган қопламларга жойлаштирилади. Похол-хашак солинган ёстиқ ва матрацлар жуда зарар. Оддий ётоқ матолари матрацдан афзалроқдир. Чойшаб, кўрпа

астари ва ёстиқ жилдларини иссиқ сувда тез-тез ювиб туриш ҳамда офтобда қуритиш зарур.

Бўғилиш хуружини келтириб чиқарувчи омилларга асло йўл қўймаслик бемор саломатлигида жуда катта роль ўйнайди. Тез таъсир этувчи, бронхларни кенгайтирувчи дори қабул қилиш тавсия этилади. Бордию, беморнинг аҳволи яхшиланмаса, тезда мутахассис шифокорга мурожаат қилиш керак.

Агар куйидаги ташвишли ҳолат кузатилса, дарҳол шифокор чақирини унутманг:

- тез таъсир қилувчи, бронхларни кенгайтирувчи дорилар умуман таъсир қилмаса, аҳвол оғирлигича қолаверса;
- бўғилиш туфайли гаплашиш қийинлашса;
- лаб ва тирноқлар кулранг ёки кўкиш тусга кирса;
- нафас олганда бурун катаклари шишинқираса;
- нафас олганда қовурғалар ораси ва бўйин мушаклари ичга ботиб кетса;
- томир уриши тезлашиб, юрак тез-тез ура бошласа;
- ҳаракат қилиш жуда оғирлашиб қолса.

Бронхиал астма Ўзбекистон аҳолиси орасида ҳам тез-тез учраб туривчи оммавий касаллик турларидан биридир. Унга йўлиққан кишилар профилак-

тик ҳисобга олинади. Қишлоқ врачлик пункти, оилавий поликлиника ва бошқа даволаш муассасаларида бронхиал астмага чалинган беморларга доимий равишда тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, биз фаолият юритаётган аллергология марказида ҳам бу касалликка йўлиққан беморларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади. Беморларга ташхис қўйиш, даволаш жараёнида уларга тез таъсир этувчи, бронхларни кенгайтирувчи дори воситаларини ҳадеб ишлатавермасликни маслаҳат берамиз. Чунки медикаментоз воситалари касаллик хуружини тўлиқ бартараф этишга қодир эмас, аҳволни қисқа муддатга яхшилаш мумкин, холос. Баъзи ҳолларда эса нафас қисмагандек туюлиб, гўёки ижобий таъсир қилгандек бўлса-да, нафас йўлларининг ўтказувчанлиги барибир яхшиланмайди. Бундай ҳолларда бронхларни кенгайтирувчи дориларни муттасил ичиш бўғилишни баттар кучайтириши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда шифокор билан маслаҳатлашиш хавфсизликни таъминлайди, шуни унутманг.

Озод НАЗАРОВ,
профессор.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2015 йил 10 февралдаги 2-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг амал қилиши лицензиатларнинг ўз хоҳишига кўра ва хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан тугатилган ҳамда хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиш тикланган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати

Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	М.Улуғбек тумани, Қорасув 3-мавзеси, 4-уй, 36-хонадон	"QORA-SU-DENTA" МЧЖ	0421-01 26.06.2013 й. берилган. Амал қилиши 30.01.2015 йилда тугатилган.
2	Тошкент шаҳри	Олмазор тумани, А.Ҳидоятлов кўчаси, 78/3	"SHUHRAAT ISLOM SHAYX" МЧЖ	ПЮ-0082 20.06.2011 й. берилган. Амал қилиши 28.11.2013 йилда тугатилган.
3	Тошкент шаҳри	М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 473-уй, 3-хонадон	"SAIDSTOM" хусусий корхонаси	ПЮ-0072 30.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 30.12.2014 йилда тугатилган.
4	Тошкент шаҳри	Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 5-уй, 3-хонадон	"PREMIUM DENTA" МЧЖ	0430-02 27.12.2012 й. берилган. Амал қилиши 30.01.2015 йилда тугатилган.
5	Наманган вилояти	Наманган шаҳри, 1-кичик туман, 54-уй, 21-хонадон	"ZEBO-MED SERVIS" МЧЖ	Ю-1090 01.11.2011 й. берилган
6	Наманган вилояти	Косонсой тумани, Косонсой шаҳри, "Гулибод" маҳалласи, Меъмор кўчаси, 2-уй	"БАХОДИР ДЕНТА СЕРВИС" хусусий корхонаси	Ю-0438 30.01.2010 й. берилган. Амал қилиши 30.01.2015 йилда тугатилган.
7	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри, Хазрати Башир кўчаси, 92-А уй	"Шифо Ортопед" хусусий фирмаси	2130-00 16.08.2013 й. берилган
8	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси, 7-уй, 1-хонадон	"SAYF-DIAGNOSTIK" МЧЖ	Ю-0434 30.01.2010 й. берилган. Амал қилиши 30.01.2015 йилда тугатилган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тикланган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Хоразм вилояти	Гурлан тумани, Мустақиллик кўчаси, 20-уй	"SHONIYOZ SHIFO" хусусий корхонаси	Ю-0808 23.12.2010 й. берилган	Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 9 январдаги 22-1403/7210-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тикланди.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Тошкент шаҳри	Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 5-А уй	"TO'RTINCHI" МЧЖ	Ю-0856 28.02.2011 й. берилган	Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 30 январдаги 10-1510/109 сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди.
2	Тошкент шаҳри	Шайхонтоҳур тумани, С.Дарбоза кўчаси, 202/3-уй, 11-хонадон	"SINO-MED-STOM" МЧЖ	Ю-0809 23.12.2010 й. берилган	Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 30 январдаги 10-1510/111 сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди.
3	Сирдарё вилояти	Янгиер шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй, 2-хонадон	"Раъно" хусусий фирмаси	У-5416-02 03.04.2013 й. берилган	Сирдарё вилояти Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди.
4	Сирдарё вилояти	Сирдарё шаҳри, Тошкент кўчаси, 38-уй	"MIRZO K'UDDUS" МЧЖ	Ю-1047 13.09.2011 й. берилган	Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 16 январдаги 12-1402/16023 сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди.
5	Хоразм вилояти	Хазорасп тумани, А.Навоий кўчаси, 2-уй	"БИОДЕНТ" МЧЖ	Ю-1114 01.12.2011 й. берилган	Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 14 январдаги 22-1404/14718-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди.
6	Хоразм вилояти	Хазорасп тумани, Хазорасп шаҳарчаси, Ибн Сино кўчаси, 10-уй	"HAZORASP DENT" МЧЖ	Ю-0951 24.05.2011 й. берилган	Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 14 январдаги 22-1404/14719-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди.

Ҳурматли газетхонлар!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бериб келаётганлиги қувонарли, албат-

та. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимига қаратилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Газетамизда «Савол беринг – жавоб берамиз» рукни остида мутахассислар билан му-

лоқот олиб борилмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса, вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон

рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.

Инвестиция дастури амалда

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА МОС

акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва филиаллари, шунингдек, туғруқ мажмуаларининг жаҳон стандартлари асосида жиҳозланганлиги келажгимиз бўлган фарзандларимиз соғлом ўсишида катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақ-

Сирдарё вилоятида янгидан бунёд этилган болалар жарроҳлик мажмуаси республикада ягона ҳисобланиб, замонавий аппаратуралар ҳамда қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, шунингдек малакали кадрлар билан таъминланди. Айниқса, реанимация бўлимида энг сўнгги русумдаги технологияларнинг

ларни аниқлайдиган NOVA, чақалоқларнинг тана ҳароратини бир маромда ушлаб турувчи ва ҳаракат намлигини аниқлаб берувчи КЮВЕЗ, чақалоқлар сариқлигини даволашда ишлатиладиган фототерапия каби аппаратлардан унумли фойдаланаямиз. Болаларда учрайдиган хирургик касалликларнинг барчаси мажмуада тажрибали мутахассисларимиз томонидан амалга оширилади. Шунингдек, палаталарда барча шароитлар яратилган, айниқса, она-бола учун кенг ва қулай қаравотлар қўйилган. Шошилич ҳолатларда болаларга бирламчи ёрдамни ташкиллаштириш бўйича алоҳида хона ажратилган бўлиб, зарурий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда дори-дармонлар билан таъминланган. Иш самарадорлиги асосан кадрлар салоҳиятига боғлиқ бўлганлиги сабабли, мутахассисларимиз Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг

педиатрияда анестезиология ва интенсив терапия кафедрасида назарий ва амалий билимларини бойитиб келмоқдалар. Бундан ташқари, айрим мутахассисларимиз хорижий давлат клиникаларида бўлиб, ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашиб қайтмоқдалар. Республикамиз ҳамда чет элларда ўтказилаёт-

қилмоқдалар. Маслаҳат поликлиникамида шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари учун ўқув маркази ташкил қилинган бўлиб, унда тиббиётга оид адабиётлар, услубий қўлланмалар, стандартлар ҳамда фаолиятдаги зарурий технологиялар, шунингдек, жамоа ходимларининг билимларини



лаш вазирилик ҳамда Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ҳудудимизда истиқомат қилаётган болалар саломатлигини мустақамлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Жумладан, 2014 йилда Инвестиция дастурига кирган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказимиз тасарруфида болалар жарроҳлик мажмуаси янгидан бунёд этилганлиги ва бир қанча бўлимлар қайтадан реконструкция қилинганлиги қувонарли воқеа бўлди. Инвестиция дастури асосида

мавжудлиги болалар саломатлиги тикланишида асосий ўринга эга бўлмоқда. Жумладан, чала туғилган чақалоқлар ва уларнинг ўпка ҳолати ривожланишида СИПАП, сунъий нафас берувчи, қондаги кислотанинг асос мувозанатини белгиловчи ҳамда микроэлемент-



ган педиатрларнинг съездлари, анжуман ва конгрессларда фаол иштирок этиб, маъруза

ошириш мақсадида маънавий хонаси мавжудлиги мутахассисларимизнинг ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Болалар жарроҳлик мажмуаси фаолияти билан танишар эканмиз, юртимизда ана шундай жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган шифо масканларининг мавжудлиги, бу албатта, келажгимиз бўлган фарзандларимиз саломатлигини муҳофаза қилишдаги эзгу ишлардан бири эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Полезные советы

НЕИСЧЕРПАЕМЫЙ ИСТОЧНИК ВИТАМИНОВ

Ўзбекистон во всём мире славится исключительным разнообразием и богатством растительного мира.

На рыхлых, плодородных и легких почвах, богатых питательными веществами и кальцием произрастает травянистое светлюбивое однолетнее растение из семейства зонтичных, напоминающее своей листвой петрушку – **кориандр**. Кориандром называют семена растения, а зелень его – кинзой или киндзой.

Данное растение активно употребляется в пищу, обладает характерным запахом и вкусом.

В то же время кориандр давно и эффективно применяется для лечения различных заболеваний в традиционной и в народной медицине. Кориандр – лекарственное растение. В медицинских целях применяют листья, цветы и семена кориандра. Полезные

свойства его, в первую очередь, обусловлены тем, что кориандр является кладовой витаминов и микроэлементов.

Это растение является эффективным общеукрепляющим, желчегонным, мочегонным, антисептическим и отхаркивающим средством. Содержащееся в нем эфирное масло хорошо помогает при ревматических и неврологических болях, мягко согревая и успокаивая болезненные участки. Отварами и настоями растения лечат нарушения обмена веществ, различные болезни желудка, желудочные колики, неврозы. Наружно используется сок кинзы как противоаллергенное средство при укусах насекомых и различных экземах, а также сыпях.

Еще семена кориандра способствуют улучшению мозговой

и сердечной деятельности, оказывают бодрящее действие, помогают при стрессах, а также повышают аппетит, способствуют усвоению пищи, оказывают положительное влияние на работоспособность половых желез, имеют ветрогонные и патогонные свойства, помогают избавиться от судорог.

Мазь из плодов кориандра применяют при воспалениях, отваром из них останавливают кровотечение из носа. Это также хорошее антигельминтное, противорвотное и гемостатическое средство.

В частности, он усиливает выработку желудочного сока, что помогает избавиться от тяжести в желудке после обильной еды.

Оказывая поддержку для всего организма, это растение снижает в крови уровень холестерина. Активно применяется при ревматизме и артритах, при кори и других вирусных заболеваниях, для заживления ран. Ко-

риандр стабилизирует уровень кровяного давления и помогает от бессонницы.

Также кориандр широко применяется в офтальмологии: при лечении глаукомы, кератитах и других болезнях глаз. При конъюнктивите, например, рекомендуется промывать глаза настоем из семян кориандра. Также он помогает при заболеваниях дыхательных путей.

В целом эта трава безопасна. Однако следует соблюдать дозировки и предписания врача.

Только в этом случае можно приготовить целебные средства на основе кориандра в домаш-



них условиях с целью их применения.

Материал подготовила Оймихон ХАЛИКОВА, студентка I курса медико-педагогического факультета Ташкентской медицинской академии.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик Сурхондарё вилояти перинатал маркази собиқ директори **Камил Азатович ТУЛЯЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирилик

Бош муҳаррир **Асилбек ХУДАЯРОВ**
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 7168 нусха.
Буюртма Г-258.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

